

**Жиззах шаҳар “Марказий дехқон бозор” акциядорлик жамиятининг  
2021 йил якуни бўйича ўтказилаётган навбатдаги  
йиллик умумий йиғилиши  
БАЁННОМАСИ № - 01/2022**

2022 йил 17 июн, соат 16-00

Жиззах шаҳри

Йиғилишда жамият кузатув кенгаши аъзоси Р.Исмоилов сўз олиб, санок комиссиясининг баённомасига кўра, жамият акциядорларининг бугунги умумий йиғилишида 2022 йил 13 июн ҳолатига ёпилган акциядорлар реестрида қайд этилган 89 653 та овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлардан 56 519 та овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 26 нафар акциядорлар рўйхатдан ўтганлигини, бу жами овоз берувчи акцияларнинг 63,04 фоизни ташкил қилиши, шу сабабли йиғилишни ўтказишга кворум йиғилганлигини маълум қилиб, йиғилишни ўтказишга розилик берувчилар ўз овозларини (қўл кўтариш йўли билан) беришларини сўради.

Йиғилишни очиш бўйича овоз бериш натижалари:

**Тарафдор 56 519 та овоз,**

**Қаршилар - йўқ,**

**Бетарафлар - йўқ**

Кўпчилик овоз билан акциядорларнинг умумий йиғилиши очиқ деб эълон қилинди.

Мазкур йиғилишда жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзолари, Жиззах шаҳар ҳокимлигининг ишончнома асосида келган вакиллари, жамият бошқаруви раиси, жамиятнинг масъул ходимларидан 9 нафар вакиллар ҳам иштирок этишмоқда.

Бугунги ўтказиладиган акциядорларнинг умумий йиғилиши шаҳар ҳокимлигидан ишончнома асосида ташриф буюрган Эргашев Азиз Мамарасулович раислигида ва жамиятнинг қимматли қоғозлар билан ишлаш бўйича раис ўринбосари Ж.Ҳасанбоев котиблигида ўтказиш масаласи акциядорлар томонидан очиқ овоз билан маъқулланди.

**Тарафдор 56 519 та овоз,**

**Қаршилар - йўқ,**

**Бетарафлар - йўқ.**

**К У Н Т А Р Т И Б И :**

1. Йиғилиш регламентини тасдиқлаш.
2. Санок комиссияси сон ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2021 йилги молиявий-хўжалик фаолияти учун тасдиқланган бизнес режанинг бажарилиши тўғрисида жамият раисининг ҳисоботини эшитиш.
4. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича йиллик баланси, молиявий натижалар ҳисоботи ва соф фойда таксимоти бўйича жамият бош ҳисобчисининг ҳисоботини эшитиш ва тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича тафтиш комиссиясининг ҳисоботини эшитиш ва тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2021 йилги фаолияти бўйича “Перфект аудит” аудиторлик ташкилоти МЧЖ томонидан 2022 йил 16 апрельда берилган аудиторлик текшируви хулосасини тасдиқлаш.
7. Жамият бошқаруви раиси билан янги муддатга ёлланма меҳнат шартномаси тузиш масаласини кўриб чиқиш.
8. Жамиятнинг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни билан олинган соф фойданинг 60 фоизини дивиденд тўловига, қолган 40 фоизини захира фондига ажратиш.
9. Жамият Кузатув кенгаши раисининг 2021 йил якунлари бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.
10. Жамиятнинг 2022 йил учун “Бизнес режаси”ни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.
11. Жамиятнинг Кузатув кенгаши янги аъзолари таркибини сайлаш.
12. Жамиятнинг тафтиш комиссияси янги аъзоларини сайлаш.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Жиззах вилояти ҳудудий бошқармасининг 2022 йил 26 апрелдаги 03/03-03-1054-сонли хатига кўра “Марказий деҳқон бозори” АЖнинг Уставини қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлаштириш, унга тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш ҳамда янги таҳрирдаги Уставни давлат рўйхатидан қайта ўтказиш.

14. Деҳқон бозори ҳудудида савдо фаолиятини ташкил этиш, сотувчиларга савдо ўринлари бериш ва ундан фойдаланиш тартиби бўйича намунавий Низомни тасдиқлаш тўғрисида.

Кун тартибидаги **биринчи** масала умумий йиғилишни ўтказиш бўйича регламентини тасдиқлаш таклифи киритилди:

Маърузачига 5-7 дақиқагача, музокарага чиқувчиларга 2 дақиқа ва кун тартибидаги биринчи ва иккинчи масалалар юзасидан дастлаб очиқ овоз берилиб, қолган масалалар бўйича овоз бериш барча масалалар кўриб бўлингандан сўнг бюллетенларда ифода қилинади.

Регламентни тасдиқлаш бўйича овоз бериш натижаси:

**Тарафдор 56 519 та овоз,**

**Қаршилар - йўқ,**

**Бетарафлар - йўқ**

Кун тартибидаги **иккинчи** масала санок комиссияси сон ва шахсий таркибини сайлаш бўйича йиғилиш раиси сўз олиб, жамият кузатув кенгаши томонидан бугунги умумий йиғилишга санок комиссияси сон таркиби 3 та, улар акциядорлардан Т.Бобоев, В.Мавлонов ва Д.Норматовлар номзоди берилганлигини маълум қилиб, санок комиссияси сон ва шахсий таркибини тасдиқлаш масаласини овозга қўйди.

**Тарафдор 56 519 та овоз,**

**Қаршилар - йўқ,**

**Бетарафлар - йўқ.**

Шундан сўнг, йиғилиш кун тартибидаги **учинчи** масала жамиятнинг 2021 йил молиявий-ҳужалик фаолияти яқунлари бўйича ҳисобот бериш учун жамият бошқаруви раиси К.Ярматовга сўз берилди. К.Ярматов жамиятнинг 2021 йил давомида олиб борилган ишлар яқунлари тўғрисида ҳисобот берди (*ҳисобот илова қилинади*).

Йиғилиш раиси А.Эргашев маърузачи К.Ярматовни ҳисоботи эшитилиб бўлингач, йиғилиш иштирокчиларидан, ўз таклиф ва фикрларини беришларини сўради, К.Ярматов ҳисоботи бўйича жамият акциядорларидан А.Мусаев ва Р.Сидиқовлар сўзга чиқишиб, ўз фикр-мулоҳазаларини ва саволларини беришиб, тегишли жавобларни олишди.

Кун тартибидаги **тўртинчи** масала юзасидан жамият бош ҳисобчиси К.Абдуваитов 2021 йил якуни ҳамда жамиятнинг молиявий фаолияти ва бухгалтерия баланси бўйича ҳисобот берди. (*К.Абдуваитовнинг ҳисоботи илова қилинади*).

Бош ҳисобчининг ҳисоботи бўйича йиғилиш иштирокчиларидан якуний хулосаларини бюллетенларда ифода қилишлари сўралди.

Кун тартибидаги **бешинчи** масала, жамият тафтиш комиссияси аъзоси Д.Назаров сўзга чиқиб, жамият тафтиш комиссиясининг ҳисоботини ўқиб эшиттирди (*баённомага илова қилинади*).

Жиззах шаҳар ҳокимлиги вакили Р.Исмайлов томонидан жамият раиси К.Ярматовга, бош ҳисобчи К.Абдуваитов ва ҳуқуқшуноси О.Юлдошевларга бозорда электр тармоқлари корхонасидан бўлган мавжуд қарздорликларни тўлиқ қайтадан таҳлилдан ўтказиш ва аниқлик киритиш ҳамда барча ички имкониятлардан кенг фойдаланган ҳолда бозорни молиявий соғломлаштириш чораларини кўриш лозимлиги ҳақида таклиф киритди.

Йиғилиш раиси А.Эргашев, тафтиш комиссияси хулосаси эшитилиб бўлингач йиғилиш иштирокчиларидан ҳисобот бўйича якуний хулосаларини бюллетенларда ифода қилишларини сўради.

Кун тартибидаги **олтинчи** масала бўйича жамият бош ҳисобчиси К.Абдуваитов сўзга чиқиб, жамият акциядорларини жамиятнинг 2020 йил молия хўжалик фаолиятига “Перфект аудит” аудиторлик ташкилоти МЧЖ томонидан берилган аудиторлик хулосаси билан таништирди ва аудиторлик уни тасдиқлаш бўйича овозларини бюллетенларда ифода қилишларини сўради.

Кун тартибидаги **еттинчи** масала бўйича йиғилиш раиси А.Эргашев сўз олиб, жамиятнинг Устав фондида шаҳар ҳокимлигининг улуши 58,3 фоизни ташкил этишини инобатга олиб, бугунги кунда бозорда раҳбар лавозимида ишлаб келаётган Ярматов Келдиёр томонидан амалга оширилаётган ижобий ишларни алоҳида кўриб чиққан ҳолда у билан янги муддатга меҳнат шартномаси тузишни таклиф этди.

Киритилган номзод бўйича жамият акциядорларидан А.Мусаев, Р.Сидиқов, Т.Бобоев, жамият ходимларидан Ж.Ҳасимов, Ж.Ҳасанбоевлар сўзга чиқишиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Кун тартибидаги **саккизинчи** масала бўйича жамиятнинг қимматли қоғозлар билан ишлаш бўйича раис ўринбосари Ж.Ҳасанбоев сўзга чиқиб, жамиятнинг 2021 йилда олинган даромадидан ҳисобланган соф фойданинг 60 фоизини дивидент тўловига, қолган 40 фоизини жамиятнинг захира фондига йўналтириш бўйича таклиф киритди. Шунингдек, 2021 йил учун ҳар бир акцияга 1837 сўм 67 тийиндан ҳисобланиши таъкидланди.

Киритилган таклиф юзасидан акциядорлардан Р.Сидиқов, Р.Ирисовалар сўзга чиқишиб, ўз фикрларини билдириб ўтишди ва юқоридаги таклифни маъқуллашди.

Ушбу масала бўйича иштирокчилардан овозларини бюллетенларда ифода қилиш сўралди.

Кун тартибидаги **тўққизинчи** масала бўйича жамият Кузатов Кенгашининг 2021 йилги фаолияти бўйича кузатов кенгашининг ҳисоботини кенгаш аъзоси Р.Сидиқов ўқиб берди (баённомага илова қилинади).

Мазкур масала бўйича музокарага чикувчилар бўлмади, акциядорлардан фикрларини бюллетенларда ифода қилиш сўралди.

Кун тартибидаги **ўнинчи** масала юзасидан жамият бош ҳисобчиси К.Абдуваитов сўз олиб, йиғилганларни 2022 йил учун тузилган “Бизнес режа” лойиҳаси билан таништириб ўтди.

Таклиф этилаётган “Бизнес режа” кўрсаткичларига кўра жорий йилда бозор томонидан 3,3 млрд.сўм миқдорида умумий даромад, 26,9 млн.сўм миқдорида соф фойда олиш кўзда тутилмоқда.

Йиғилиш раиси “Бизнес режа” кўрсаткичлари бўйича қўшимча таклифлар бўлмаганлиги сабабли акциядорлардан ўз овозларини бюллетенларда ифода қилишларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн биринчи** масала юзасидан йиғилиш раиси А.Эргашев жамият Кузатов кенгаши аъзоларининг янги таркибига қуйидаги номзодларни тавсия этди:

1. Эргашев Азиз	Жиззах шаҳар ҳокимлиги	Ҳоким ўринбосари
2. Исмаилов Раҳматилла	Жиззах шаҳар ҳокимлиги	Бош мутахассис
3. Абдужалилов Асил	Шаҳар молия бўлими	Бўлим мудир
4. Сидиқов Раҳмат	Акциядор	Нафақада
5. Мусаев Абдували	Акциядор	Нафақада
6. Ҳайдарова Бувсаодат	Акциядор	Нафақада
7. Орзикулов Тўлқин	Мустақил аъзо	Тадбиркор

Шундан сўнг, акциядорлар томонидан жамиятнинг Кузатов Кенгаши раиси вазифасига шаҳар ҳокими томонидан тавсия этилган номзод, шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эргашев Азиз Мамарасулович номзоди бир овоздан сайланди.

Кун тартибидаги **ўн иккинчи** масала юзасидан Кузатов Кенгаши аъзоси Р.Исмоилов сўзга чиқиб, жамият тафтиш комиссияси аъзоларининг янги таркибини сайлаш бўйича акциядорлар томонидан берилган номзодлар (Д.Назаров, А.Саримсоқов ва Ш.Сулханов) билан таништириб, акциядорлардан ушбу номзодларга ўз овозларини бюллетенларда ифода қилишлари сўралди.

Йиғилиш кун тартибидаги **ўн учинчи** масала қилиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Жиззах вилояти ҳудудий бошқармасининг 26.04.2022 йилдаги 03/03-03-1054-сонли хатига кўра “Марказий деҳқон бозори” АЖнинг Уставини қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлаштириш, унга тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш ҳамда жамият Кузатов Кенгаши ҳузурида коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси, тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси, стратегиялар ва инвестициялар қўмитаси, аудит қўмитаси, ижро органи, кузатов кенгаши фаолияти бўйича намунавий низомлар лойиҳасини кўриб чиқиш киритилган. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави ва юқоридаги Низомлар лойиҳаси йиғилиш котиби Ж.Ҳасанбоев томонидан акциядорларга бирма-бир ўқиб эшиттирилди ҳамда уларнинг мазмун-моҳиятлари ҳақида тушунчалар ҳам берилди.

Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави ва Кузатов Кенгаши ҳузурида ташкил этилаётган қўмиталар лойиҳаси акциядорлар томонидан маъқулланганлиги сабабли, улардан ўз фикрларини бюллетенларда ифода қилиш сўралди.

**ўн тўртинчи** масала бўйича жамият раисининг ўринбосари Ж.Ҳасанбоев сўз олиб, деҳқон бозори ҳудудида савдо фаолиятини ташкил этиш, сотувчиларга савдо ўринларини бериш ва улардан фойдаланиш тартиби бўйича амалдаги қонун ҳужжатларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида қўлланма сифатида қоидалар ишлаб чиқилганлигини маълум қилиб, мазку қоидалар матнини йиғилиш иштирокчиларига ўқиб эшиттирди.

Ушбу масала бўйича ҳам акциядорлардан ўз фикрларини бюллетенларда ифода қилиш сўралди.

Бугунги акциядорлар йиғилишининг кун тартибига қўйилган барча масалалари муҳокама қилиб бўлингандан сўнг, иштирокчилардан музокаралар ўтказиш йўли билан қандай таклиф борлиги сўралди.

Юқорида муҳокама қилинган барча масалалардан келиб чиққан ҳолда, якуний сўз сифатида жамият акциядорларидан А.Мусаев, Р.Сидиков, Р.Ирисова, Б.Мусаев, Т.Бобоев Жиззах шаҳар ҳокимлиги номидан Р.Исмоиловлар алоҳида сўз олишиб, “Марказий деҳқон бозори”нинг бугунги молиявий ҳолатини яхшилаш, аҳолига шарт шароитлар яратиш, ҳолати ҳамда айни кунда аҳоли эҳтиёжи учун амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида ўзларининг фикр ва таклифларини билдиришди.

Шундан сўнг, кун тартибидаги барча масалалар муҳокама қилиб бўлингач, йиғилиш раиси акциядорлардан бюллетенларни тўлдириб санок комиссиясига топширишларини сўради.

Санок комиссияси томонидан кун тартибидаги масалалар юзасидан бюллетенларда берилган овозлар сони санаб чиқилганда, берилган овозлар сони қуйидагича бўлганлиги маълум бўлди.

Акциядорларни рўйхатга олиш варағида 56 519 та овозга эга булган 26 нафар акциядорлар рўйхатдан ўтиб бюллетенлар олган. Йиғилиш якунида жами 26 та бюллетен йиғиб олиниб, овоз беришда иштирок этган акциялар сони 56 519 тани ташкил қилган. Шундан;

**-Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан**

-Ёқлаб овоз берганлар: 56 519 та, 100 %. Қаршилар - йўқ, Бетарафлар - йўқ.

**-Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан**

-Ёқлаб овоз берганлар: 56 519 та, 100 %. Қаршилар - йўқ, Бетарафлар - йўқ.

**-Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан**

-Ёқлаб овоз берганлар: 56 519 та, 100 %. Қаршилар - йўқ, Бетарафлар - йўқ.

**-Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан**  
-Ёқлаб овоз берганлар: 56 519 та, 100 %. Қаршилар - йўқ, Бетарафлар - йўқ.

**-Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан**  
-Ёқлаб овоз берганлар: 56 519 та, 100 %. Қаршилар - йўқ, Бетарафлар - йўқ.

**-Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан**  
-Ёқлаб овоз берганлар: 56 519 та, 100 %. Қаршилар - йўқ, Бетарафлар - йўқ.

**-Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан**  
-Ёқлаб овоз берганлар: 56 519 та, 100 %. Қаршилар - йўқ, Бетарафлар - йўқ.

**-Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан**  
-Ёқлаб овоз берганлар: 56 519 та, 100 %. Қаршилар - йўқ, Бетарафлар - йўқ.

**-Кун тартибидаги тўккизинчи масала юзасидан**  
-Ёқлаб овоз берганлар: 56 519 та, 100 %. Қаршилар - йўқ, Бетарафлар - йўқ.

**-Кун тартибидаги ўнинчи масала юзасидан**  
-Ёқлаб овоз берганлар: 56 519 та, 100 %. Қаршилар - йўқ, Бетарафлар - йўқ.

**-Кун тартибидаги ўн биринчи кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар сайлаш масаласи юзасидан (энг юкори овоз сони тартиби буйича):**

<b>Номзоднинг исми, фамилияси</b>	<b>Тарафдор овозлар сони</b>
1. Эргашев Азиз – Жиззах шаҳар ҳокимлиги, Кузатув Кенгаши раиси	56 519 та овоз
2. Исмоилов Раҳматилла – Жиззах шаҳар ҳокимлиги, Кенгаши аъзоси	56 519 та овоз
3. Абдужалилов Асил –Шаҳар Молия бўлими, Кузатув Кенгаши аъзоси	56 519 та овоз
4. Сидиков Раҳмат – жамият акциядори, Кузатув Кенгаши аъзоси	56 519 та овоз
5. Мусаев Абдували – жамият акциядори, Кузатув Кенгаши аъзоси	56 519 та овоз
6. Ҳайдарова Бувсаодат – жамият акциядори, Кузатув Кенгаши аъзоси	56 519 та овоз
7. Орзикулов Тўлқин – жамият акциядори, Кузатув Кенгаши аъзоси	56 519 та овоз

**-Кун тартибидаги ўн иккинчи масала тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар сайлаш масаласи юзасидан (энг юкори овоз сони тартиби буйича):**

<b>№</b>	<b>Номзод исми фамилияси</b>	<b>Тарафдор овозлар сони</b>
1	Назаров Дилшод– тафтиш комиссияси раиси	56 519 та овоз
2	А.Саримсоқов –комиссия аъзоси	56 519 та овоз
3	Сулханов Ширинбой –комиссия аъзоси	56 519 та овоз

Овоз бериш натижаларини ҳисобга олиб, “Жиззах Марказий деҳқон бозор” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши

### **Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Умумий йиғилишни ўтказиш бўйича регламент тасдиқлансин.
2. Бугунги умумий йиғилишга санок комиссияси сон таркиби 3 та, Т.Бобоев, В.Мавлонов, Д.Норматовлардан иборат шахсий таркиби тасдиқлансин.
3. Жамият бошқарув раиси К.Х.Ярматовнинг жамиятнинг 2021 йилги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари ва бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича берган ҳисоботи тасдиқлансин.
4. Жамиятнинг 2021 йил учун тузилган бухгалтерия баланси, молиявий фойда ва зарарлари бўйича жамият бош ҳисобчиси К.Абдуваитовнинг берган ҳисоботи тасдиқлансин.
5. Жамиятнинг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тасдиқлансин.
6. Жамиятнинг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича “Перфект аудит” аудиторлик ташкилоти МЧЖ томонидан берилган хулосаси тасдиқлансин.

7. Жамият бошқаруви раиси Ярматов Келдиёр Худойназарович билан 3 йил муддатга янгидан меҳнат шартномаси тузилсин.

8. Жамиятнинг 2021 йил молиявий йил якунлари бўйича олинган 274587.4 минг сўмлик соф фойданинг 60 фоизи, яъни 164 752 440 сўми акциядорларга дивидент тўловига, қолган 40 фоизи жамиятнинг заҳира фондига ажратилсин. 2021 йил учун ҳар бир акцияга 1837 сўм 67 тийиндан дивидент ҳисоблансин ҳамда тўлаш муддати 90 кун этиб белгилансин.

9. Жамият кузатув кенгашининг 2021 йил фаолияти бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

10. Жамиятнинг 2022 йил учун тузилган “Бизнес режаси” тасдиқлансин ҳамда ундаги кўрсаткичларни тўлиқ бажариш чораларини кўриш жамият раиси ва бош ҳисобчиси зиммасига юклатилсин.

11. Жамиятнинг янги Кузатув Кенгаши аъзолари қуйидаги таркибда сайлансин:

- Эргашев Азиз – Жиззах шаҳар ҳокимининг ўринбосари, Кузатув Кенгаши раиси
- Исмайлов Раҳматилла – Жиззах шаҳар ҳокимлиги вакили, Кенгаши аъзоси
- Абдужалилов Асил – Шаҳар молия бўлими мудири, Кузатув Кенгаши аъзоси
- Сидиков Раҳмат – жамият акциядори, Кузатув Кенгаши аъзоси
- Мусаев Абдували – жамият акциядори, Кузатув Кенгаши аъзоси
- Ҳайдарова Бувсаодат – жамият акциядори, Кузатув Кенгаши аъзоси
- Орзикулов Тўлқин – тадбиркор, Кузатув Кенгашининг мустақил аъзоси

12. Жамиятнинг янги тафтиш комиссияси аъзолари қуйидаги таркибда сайлансин.

- Назаров Дилшод
- Саримсоқов Абдуманнон
- Сулханов Ширинбой

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Жиззах вилояти ҳудудий бошқармасининг 26.04.2022 йилдаги 03/03-03-1054-сонли хати ижро учун қабул қилинсин.

Мазкур хатда қайд этилганидек:

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-760-сонли Қонуни билан белгиланган янги нормаларга кўра ишлаб чиқилган “Марказий деҳқон бозори” АЖнинг янги таҳрирдаги Устави маъқуллансин ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш чоралари кўрилсин.

Жамият Кузатув Кенгаши ҳузурида коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси, тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси, стратегиялар ва инвестициялар қўмитаси, аудит қўмитаси, ижро органи ҳамда кузатув кенгаши фаолияти бўйича намунавий низомлар лойиҳалари тасдиқлансин.

14. “Марказий деҳқон бозори” АЖ ҳудудида савдо фаолиятини ташкил этиш, сотувчиларга савдо ўринларини бериш ва улардан фойдаланиш тартиби бўйича қоидалар тасдиқлансин.

15. Ушбу йиғилиш баёнининг ижросини таъминлаш жамият ижро органи К.Х.Ярматов зиммасига юклатилсин.

Йиғилиш раиси:

Баённома тузувчи:



А. М. Эргашев

Ж. Ҳасанбоев

Баённома 2022 йил « 27 » 06 кунги тузилди ва имзоланди.